



95 ЁШЛИ
УСТОЗ

2

ЧЕМПИОННИНГ
ЧЕМПИОН ЁҒЛИ




4



ГУМОН
ИЙМОНДАН
АЙИРСА...

6

ЭНГ ШИРИН ВА
АЧЧИҚ



8

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



БОҚИЙ МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

“Болалар китоби” II республика фестивалининг бошланиши муносабати билан ташкиллаштирилган анжуман Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди вакиллари иштирок этди.

Давоми 2-бетда.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Оилангизнинг яна бир сирдош, дилдош дўстига айланиб қолган севимли газетангизга 2016 йил учун обуна давом этмоқда!



Обуна индекси — 176

2015 йил — Кексаларни эъвозлаш йили

Матлуба аяни Марғилон шаҳри Узумзор маҳалласида яшовчилар алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки Матлуба ая ўзининг қирқ йиллик умриги ёшлар тарбиясига, мактаб таълимини ривожлантиришига бағишлаб, шаҳардаги энг нуфузли ўқув даргоҳларидан ҳисобланган 29-мактабда она тили ва адабиёти фанидан дарс берган. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаганида ҳам ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари, ҳамкасбларининг изланишлари, самарали фаолият олиб боришлари йўлида елиб-югурди.



95 ЁШЛИ УСТОЗ

Ҳозир ҳам шундай. Матлуба аяга бекорчилик, вақтини ортиқча сарфлаш бегона. Кутлуг ёшда ҳам томорка айланиб, китоб муролаа қилиб, газета ўқишдан чарчамайди. Қисқаси, нимадир юмуш бўлса, овунади. Онахоннинг хотираларини завқ билан тингларканмиз, суҳбатимиз пайти Матлуба ая куйидагиларни ҳам кўшимча қилди:

— Кечагина чопқиллаб юрган ўқувчиларим бугун нуруний отахон ва онахонларга айланган. Ҳозир ҳам 95 ёшни қаршилаган бўлсам-да, азиз ўғил-қизларим-

га дилсўзларим тошиб келаверади. Боиси, менинг 40 йилдан зиёд умрим, меҳнат фаолиятим айнан ўқувчилар билан кечди. Бироқ ҳақиқий ёшларга эътибор ва ғамхўрликни, ўқитувчилар ва муаллимлар меҳнатига ҳақиқий баҳони айнан мустақиллик йилларида кўпроқ ҳис қилдим.

Истиклол йилларида таълим жараёни юксалиб, билими ва салоҳияти юқори ёшлар камол топди. Энг муҳими, муҳтарам Президентимиз ёшларимизнинг маънавий юксалиши йўлида қай-гура бошладилар. Мустақиллик-

дан аввал бундай имкониятлар қаерда эди? Илгари фақат чегараланган ҳолатда дарслар олиб бориш, ёшларни носоғлом ғоялар сари етаклаш вазифаси билан шуғулланилгани тарихнинг оғриқли нуқталари бўлиб қолди. Аммо, бугунги мунаввар кунлар шукуҳи бу оғриқларни четга суриб, тинчлик-осойишталикка шукрона келтиришга ундамоқда.

Матлубахон Абдуллаеванинг фарзандлари ҳам, набиралари ҳам бугун ўзларининг касб-корлари ортидан обрў-эътибор топишмоқда. Булар албатта, онахоннинг берган тарбияси, панду насиҳати туфайли. Ҳар ҳолда устоз доимо фарзандларини комил инсон бўлиб, кимгадир наф келтириш умидида ўстирган.

— Мустақиллик боласи қандай бўлади, деган саволга ҳеч иккиланмай, уларнинг эришаётган ютуқларини кўрсатиб, жавоб қайтараман, — дея сўзида давом этади Матлуба ая. — Мустақиллик болаларини тарбияловчи устозлар-чи, деган ҳақиқ савол бор. У қай йўл билан ўқувчилар қалбига йўл топиши керак? Ҳа, бугунги муаллим ўзига хос таърибага эга, болаларни юксак маънавий манзилларни сари етакловчи раҳнамога айланиши керак. Бугун ҳар битта таълим устаси баркамол авлодни мана шу диёрнинг етук ворислари, эртанги куннинг ишончи ва таянчи, нури келажакимизнинг давомчилари бўлишларида тер тўкишлари, мустаҳкам тараққийимиз йўлида фидоийларча меҳнат қилишлари зарур, деб биламан.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Фарғона вилояти.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚИ

Ўзбекистон ҳукумати ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан 2016–2020 йилларга мўлжалланган “Тараққиётга кўмак” дастури имзоланганлигини барчага маълум қилиш мақсадида тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Янги ЮНДАФ дастури Ўзбекистон ҳукуматининг инсон манфаатларига қаратилган мақсадли ёндашуви, яъни “Иқтисодий ва жамияти барқарор ривожланиб келаётган очик демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш” тамойилига асосланади. Тадбирда инсон манфаатига қаратилган ушбу ёндашув БМТнинг асосий ривожланиш мақсадларига, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси доирасида жорий йилнинг 25–27 сентябрь кунлари қабул қилиниши кутулаётган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Ушбу “Тараққиётга кўмак” дастури — ЮНДАФ дастури БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ишлаб чиқилган. Аҳолини иш билан таъ-

минлаш ва ижтимоий ҳимояга эътибор қаратган ҳолда барчани қамраб олувчи иқтисодий ривожланишни у ўз ичига қамраб олади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида сифатли хизматни таъминлаш ҳамда барқарор ривожланиш йўлида атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳам назарда тутди. Дастурни амалга оширишдаги устивор йўналишлардан яна бири ижтимоий хизмат турларини яхшилаган ҳолда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган самарали бошқарувдир.

ЮНДАФда белгиланган ҳамкорлик соҳалари Ўзбекистон ҳукуматининг ривожланиш дастур ва стратегияларида ўз аксини топган, мамлакат тараққиёти билан ҳамбарчас боғлиқдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бунда аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ёрдамга муҳтож қатламларига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўз мухбиримиз

“AVTOTEST” — ЁРУҒ МАНЗИЛЛАР КАФОЛАТИ

Пойтахтимизда биринчи “Avtotest” инновацион автомобиль мактаби очилди. Ушбу автомактабда таълим ва ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларига асосланган ўзига хос дастур жорий этилган бўлиб, унда ҳайдовчиликни мукамал ўрганиш учун қулай шароитлар яратилган.

— Дастурда замонавий тренажёрлар ва компьютер стимуляторларидан фойдаланиш кўзда тутилган, — дейди “Avtotest” масъулияти кексанган жамияти директори К.Муҳаммадхўжаев. — Ўқув бинолари энг сўнгги русумдаги техникалар билан жиҳозланиб, Wi-Fi тармоғига қамраб олинган. Ўқитишнинг ўзига хос услуби

ўйин дебатлари, баҳс-мунозаралар, интерактив жамоавий ўйинларни ўз ичига олади.

Автомобилни бошқариш, автомашина қурилмалари, биринчи тиббий ёрдам каби фанлар амалий машғулотлар асосини ташкил этади. Бунинг учун фан кабинетлари барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ўқувчилар хавфсизлиги учун қулайлик яратиш мақсадида автомактабнинг барча автомобиллари ҳаракатланиш датчиги ва GPS навигатори, шунингдек, видеокузатув камераси билан жиҳозланган. Махсус ишлаб чиқилган автоматлаштирилган тизим ўқувчиларнинг барча ҳаракатларини қайд этиб боради. Бу автомашина бошқариш кўникмасини

Янгилик

эгаллаш даражасини холис баҳолаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда пойтахтимизнинг ўзидан 10 га яқин “Avtotest” инновацион автомактаби очилиши режалаштирилмоқда. Уларнинг ҳар бирида 150 ўқувчи тахсил олиши мумкин. Бу ерда ҳайдовчиликнинг ҳар қандай тоифасига эга бўлиши ва гувоҳнома олиш учун топширилаётган барча имтиҳонларга қисқа вақт давомида пухта тайёргарлик кўриш мумкин.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.

Китоб фестивали

БОҚИЙ МАЪНАВИЙ
БОЙЛИК

Давоми. Боши 1-бетда



“Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажиги” шиори остида ўтказилаётган ушбу китоб фестивалидан кўзланган асосий мақсад мустақиллик йилларида адабиёт, маданият ва ноширлик фаолиятида қўлга киритилган ютуқларимизнинг маъно-моҳиятини чуқур англаган ҳолда, болалар адабиётини ривожлантиришдан иборатдир. Фестиваль нафақат пойтахтимизда, балки бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар марказларида ҳам ўтказилмоқда.

— Республика нашриётлари томонидан ҳар йили 3 минг номдан зиёд, умумий адади 45 млн. нусхадан ортиқ турли китоб маҳсулотлари нашр этилмоқда, — дейди Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Омонулло Юнусов. — Эллиқдан ортиқ нашриёт болаларга бағишланган ноширлик маҳсулотларини чоп этиб келмоқда. Бугун юртимизда нашр этилаётган адабиётларнинг ҳар учтадан биттаси бевосита болаларга бағишланган. Бундан ташқари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда “Янги аср авлоди” нашриёт-матбаа маркази томонидан “Камолот кутубхонаси” рукнида 2013–2015 йиллар давомида 70 га яқин ўзбек ва жаҳон классик адабиёти вакилларининг асарлари нашрдан чиқарилмоқда.

Нашриётларга янги замонавий ускуналар олиб келиниб, болалар учун янада қизиқарли китобларни чоп этиш режаларининг тузиб чиқилганлиги ҳам юртимизда болаларга қаратилаётган юксак эътибор намунаси. Бу эса ўз навбатида, ноширлик фаолиятининг янада ривожланишига ҳам замин яратди. Шу ўринда яқинда “Китоб олами” китоб комплексининг очилишини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Энди ота-оналар бу комплексдан фарзандлари учун ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг энг сара асарлари киритилган китобнинг ўзинигина эмас, балки эшитиш учун мўлжалланган диски билан биргаликда харид қилиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

“Болалар китоби” II республика фестивалининг якунига бағишланган тантанали концерт дастури “Туркистон” санъат саройида ўтказилди. Тадбирда фестивални ташкиллаштириш болалар адабиётини ривожланишида нечоғли аҳамият касб этиши, юртимизда фаолият юритаётган 60 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз китоб маҳсулотлари билан фаол иштирок этиши борасида сўз юритилди. Анжуман давомида китоб фестивалига оид ишланган тақдирот намоиши этилди.

Ширинхон МҰМИНОВА,
“Оила ва жамият” мухбири.



ЎзА суратлари

БУГУННИНГ ҚАҲРАМОН АЁЛЛАРИ

Замондошларимиз

Сут соғувчининг депутатга айланиши, оддий деҳқон қизини катта минбарларга зўрма-зўраки чиқариб, ундан “қаҳрамон” ясаш, тракторчи аёллар сиймосини яратиш... Бундай ҳолатларни ўтган асрда яшаганлар яхши хотирлашса керак. Мен ҳам “Зарафшон” (собиқ “Ленин йўли”) газетасининг 70-80 йилларда, ҳатто, ундан олдин чоп этилган сонларини варақлаб, худди шундай лаҳзаларга кўп бора дуч келдим. Газетанинг биринчи саҳифаларида жиламайган пахтакор аёл, фабрикада зўр бериб ишлаётган қизларнинг суратлари...



Дарров хулоса чиқаришга шошилманг: хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланган, улардан “замона қаҳрамони”ни ясаган тузум бошқа аёлларни ҳам шундай бўлишга, шундай меҳнат қилишга ундарди. Бундайларга ҳавас қилгувчилар қанча эди, эргашганлар-чи... Ҳатто аёллари ҳам гурур, орийатни энг кадрли неъмат деб билган халқимизнинг нозик нуқтаси шу тушунчада эканини тузум жуда яхши англари. “Шунча пахта териб бераман” деган сўзининг устидан чиқши учун эса аёл жонини жабборга бериб ишлар, ўзини, шахсини, фарзандларини қайсидир муддатга унутиб, пахта далаларига шўнғир эди...

ЗИЁЛИ ФЕРМЕРЛАР

Булуғур туманига борарканман, шу фикрлар ҳаёлимдан ўтди. Туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Насиба Мамадиёрова билан учрашиб, “Шоҳжаҳон ЖСД” фермер хўжалигига қараб йўл олдик. Фермер хўжалиги раиси Дилбар опа Жалилова ишчилари билан биргаликда сабзавотларни жойлаётган экан. Уни дарҳол танидим, бир неча марта йнгилишда учратганман, ҳамсухбат бўлганман, қолаверса, фаолияти ҳақида илиқ гаплар эшитганман.

— Ҳам географ, ҳам рус тили ўқитувчиси сифатида узоқ йиллар мактабда ишлаганман, — дейди Дилбар опа. — Лекин томорқада ишлашнинг яхши кўрадим, экин-тикин қилсам, ҳаммагининг ҳаваси келар, қўлингиз теккан нарса гуркирайди-да, дейишарди. Шу гаплар сабабми, ишқилиб, 2004 йили таваккал дедим, 6 гектар ер олиб, ғалла-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этдим. 2013 йили еримиз 72 гектарга етди. Ердан унумли фойдаланишимиз,

давлатимизнинг, айниқса, бу соҳада ишлаётган хотин-қизларнинг қўллаб-қувватланиши бизга куч берди. Қолаверса, даромад яхши бўлгани сайин ишларимизни янада кенгайтирдик. Чорвачиликни ҳам йўлга қўйиб, Польшадан зотдор қорамоллар келтирдик, ишимиз бароридан келяпти.

Энг муҳими, ўз вақтида дам оламиз, оилавий сайру саёҳатга борамиз. Фарзандларимизнинг бирови Халқаро Вестминстер университети, яна бири Ўзбекистон миллий университетиде, ўртанчаси Тошкент стоматология институтиде, бирови иқтисодиёт йўналиши бўйича тахсил оляпти.

Ўтган йили шартнома режасини ўз вақтида бажарганимиз тўғрисида давлатимиз томонидан мукофотга “Кобальт” автомашинаси берилди. Турмуш ўртоғим Хидирали Жалиловнинг касби ҳам ўқитувчи, халқ таълими аълочиси. Шундай бўлса-да, фермер хўжалигимиз ишини елкама-елка туриб бажарамиз.

Опа билан узоқ суҳбатлашдик. Оналигидан бир сўзласа, фермер экани унга куч бағишлаганидан фахрланади, аёл сифатида эътиборда, эъзозда эканидан қалба ёришади.

“ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЯХШИ ЭКАН”

Насиба опа билан йўлда давом этамиз. Мингчинор маҳалласига келганимизда, маҳалла раиси Саодат Аллаёрова коммунал тўловлар бўйича бир киши билан суҳбатлашиб турган экан.

— Кўз тегмасин, аҳолимиз жуда тартибли, — мактаб кўйди опа. — Аксарияти тўловларни ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилади, бирор аммо чиқса, дарров маҳаллага

маслаҳатга чиқади. Тадбиркорларимиз, деҳқончилик, чорвачилик қилиб, рўзгорини обод қилаётган оилаларимиз жуда кўп. Келинг, кўп мактанмай, яхшичи, бир оилавий тадбиркоримиз билан таништирай.

...Бир ҳовлига кириб бордик, одмигина уй, бир ёнда ҳали тугалланмаган қурилиш. Уй бекаси помидор салат ёпаётган экан, бизларни кўриб шошиб қолди, дарров меҳмонхонага чорлади. Устахона билан танишмоқчи бўлдик. Нигора Назарова ва Хўроз Назаров мана беш йилдирки, ёғочдан турли уй-рўзгор буюмлари, бешик ясар, бека эса бешик анжомлари тикиб, бозорга олиб чиқар экан. Аввалги “Хўнармандлар” уюшмасига аъзо бўлибди, сўнг оилавий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтибди. Чеккароқдаги қишлоқдаги оддийгина аёл оилавий тадбиркорлик ҳақида, унинг тартибларини тушунириб берди.

— Маҳаллада, бир-икки йнгиинларда турмуш ўртоғимга уюшмадан ўтса, оилавий тадбиркор бўлса яхши бўлишини тушуниришган экан-да, — дейди Нигора опа. — Шунга рўйхатдан ўтиб кўйди. Қизларим ёрдамчи, ўғлим отасига шогирд. Буюртмага қараб ишлаймиз, кўпроқ бешик ясаймиз. Бир ҳафтада ўнча бешикни ёпинчиклари билан ясаб, бозорга чиқарган пайтларимиз бўлган. Иккита коллеж битирувчисиям менга ёрдам беради, уларга ойлик тўлаймиз. Ҳаммасини уйимизда қиламиз, болаларим ёнимда, кўни-қўшни қизлар ҳам келиб ўрганиб кетишяпти. Ундан ташқари, томорқада экин қилиб, чорва кўпайтиришга ҳам вақтимиз бор.

“ФАҚАТ ОРАСТА ҚИЗЛАРИМИЗНИ МАҚТАНГ”

Кейинги бекатимиз Бўдана ма-

ҳалласи бўлди. Маҳалла маслаҳатчиси Сорахон Жўраева билан суҳбатлашганимизда сира ҳаяжонини яширолмади.

— “Ораста қизлар”имиз ҳақида кўпроқ ёзинг, илтимос, — дейди опа. — Ахир, улар юзимизни ёруғ қилиб, маҳалладаги “Ораста қизлар” тўғраги аъзолари ўртасида ўтказилган танловнинг вилоят босқичида биринчилиكنи эгаллади-да. Зебо Холбўтаева, Мафтуна Давронова, Азиза Искандарова, Чарос Турсунбоева, Диёра Дадилова, Гўзал Фарходова, Гулруҳ Маҳмамова “Аждодларимиз мероси, миллий қадриятларимизга ҳурмат – Ватан ва келажак истиқболи” мавзуида жуда чиroyли чиқиш қилдилар. Миллий қадриятларимизни, гўзал удумларимизни баддийлаштирган ҳолда намойиш этгани жуда жонли чиқди. Ахир, бизда асл қадриятларимиз сақланиб қолган-да.

Буни қаранг, яна икки нафар қизимиз — Шоҳсанам Сафарова ва Мақсад Муҳаммадова спортнинг қўл тўпи бўйича яқиндагина Италия ва Македонияда бўлиб ўтган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб қайтидилар. Ҳозир улар иккаласи ҳам Ҳиндистонда бўлиб ўтаётган спорт мусобақаларига тайёргарлик кўришяпти.

Сорахон опа яна кўп гапларни гапириб бермоқчи бўлди. Аммо вақт алламаҳал бўлган, ортга қайтиш фурсати келганди.

Аниқ мисоллар билан танишиб чиққач, ҳамроҳимиз Насиба Мамадиёрова туман хотин-қизлари фаолияти билан боғлиқ рақамларга ҳам тўхталиб ўтди: улар орасида банкдан кредит олиб, ўз тадбиркорлигини бошлаган аёллар, касб-хунар коллежини битириб, ишга жойлашган қизлар, аёлларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий тушунчаларини янада кенгайтиришга бағишлаб ўтказилган давра суҳбатлари ҳақида маълумотлар келтирилганди.

Аслида, бу далилларни муқояса қилишим, фаолиятни рақамларда кўрсатиб беришим лозим эди. Лекин... рақамлар ҳамиша ҳам муҳбир мақоласининг асоси бўла олмас экан. Булуғурлик аёллар билан дилдан суҳбат, уларнинг фикридаги, кўнглидаги ўйлар рақамларга даҳл қилолмасди. Бу ўйлар замирида ўз қадрини англаш, аёллигидан, ўз фаолиятдан бахт топишдай инжа туйғулар борлигини ҳис қилиш мумкин эди.

Гулруҳ МҰМИНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири,
Самарқанд вилояти.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАНИНГ ОФИР ЮКИ

СПОРТ

Спорт оламга ўқувчилик давридаёқ кириб келган Ўғилой Абдулазизова енгил атлетика тўғрисида элга танилди. Ун етти ёшида халқаро майдонда ўз маҳоратини намойиш этди.

У ҳозирги кунда Марғилон педагогика коллежининг жисмоний тарбия йўналишида тахсил олмақда. Енгил атлетика бўйича 2014 йилда Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё биринчилигида ғолибликни қўлга киритган, жорий йилнинг май ойида эса у Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, шоҳсўпага кўтарилди: 5 метру 60 сантиметр натижа. У айна вақтда Қатарда ўтайдиган нуфузли мусобақаларда иштирок этиш учун қизғин тайёргарлик кўряпти.

— Спортдаги дастлабки ютуқлар-

га мактабда ўқиб юрган даврларимда эришганман, — дейди у. — Жисмоний тарбия мураббийим Эркинжон Каримов спортга меҳримни дарров илғанди: тажрибали мураббий, енгил атлетика спорти бўйича мутахассис Дилшоджон Абдурахмоновнинг машғулотларига етаклаб келганди. Шаҳардаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде мен каби қизлар кўпчиликини ташкил этарди. Шунга қарамасдан, қисқа муддатда тенгдошлар ва мураббийларнинг ҳам ишончини оқлашга астойдил интилдим.

Илк бор Фарғона водийсида бўлиб ўтган мусобақаларда тобланган Ўғилой кейинги беллашувларда бундай синовлар унга асқотганини кўп таъкидлайди. Кейинроқ “Баҳор маликалари” спорт мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. Навоий вилоятида ўтказилган беллашувда тўсиқлар оша

югуриш машини катта маҳорат билан удаллаб, совриндор бўлди. Албатта, Ўзбекистон терма жамоаси сафига қабул қилиниши ўз-ўзидан бўлгани йўқ: бундай эътибор замирида тинимсиз меҳнат ва машаққатлар ётибди. Енгил атлетиканинг бошқа спорт турларидан фарқли жиҳатлари ҳам кўп.

— Номини енгил дейилгани билан, аслида, енгил атлетика энг мураккаб спорт турларидан бири саналади. Босиси у 5 та машғулотни ўз ичига олади. Қадимги Юнонистонда пайдо бўлган бу спорт Олимпиада ўйинлари сабабли дунёга ёйилган. Бу билан шуғулланиш нафақат қадди-қоматни расо, балки жисмонан соғлом, рўҳий камол топишда ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам атлетикага муҳаббатим чексиз, — дейди Ўғилой.

М.СОЛИЖОНОВ,
Марғлон шаҳри.



Халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчи, самбо бўйича тўрт карра Осиё чемпиони, Жаҳон универсиадаси ғолиби, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишон соҳиби, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони, «Меҳнат шухрати» ордени совриндори Ақобир Қурбонов эндиликда мамлакатимиз ёшлари ўртасида спортни кенг тарғиб этиш ва бўлғуси чемпионларга устозлик қилиб келмоқда.

ЧЕМПИОННИНГ ЎҒЛИ

ёхуд Ақобир полвон Қурбонов сийратига айрим чизгилар



— Сиз полвонлар наслдансиз. Отангизнинг муносиб издоши бўла олдингиз десак арзийди. Хар бир галабангизда Собир Қурбонов ўғитларининг таъсири катта бўлгандир...

— Фарзанд отага муносиб бўлишга интилади. Биринчи устозим отам. Улардан дастлаб ҳаёт сабоқларини, кейинчалик спортдаги маҳоратларини ўргандим. Менинг омадим ҳам шунда. Курашчи бир устоз билан қолмайди. Қанча кўп мураббий кўрса, шунча тажрибаси ортади. Чунки бири кураш усулларини мукамал эгаллаган бўлса, бошқаси кўл ҳаракатлари ёки оёқ билан ишлаш техникасини мукамал эгаллаган бўлади. Шу сабаб мен ҳам Фатхулло Холиқов, Бегмурот Рўзиев каби полвонлардан сабоқ олдим. Ютқазилган чўчимайдиганлар галабанинг қадрига етади. Мағлубият инсонни ўз устида кўпроқ ишлашга, камчиликларини аниқ кўришга ундайди. Галабага эришиб, уни ушлаб туриш спортчи зиммасига катта масъулият ва мажбурият юклайди.

Болалигим курашдан завқлишим билан ўтди. Ўша вақтлардаёқ тезроқ улғайиб, катта майдонларда кучли полвонлар билан беллашиш иштиёқи билан яшардим. 15 ёшимда биринчи бор катта гиламда куч синанганман. Бугун ёш полвонларга қараб туриб, ўша илк синовларим кўз олдимга келади.

— Эндиликда ёшларга мураббийлик қилаяпсиз. Ўсиб келаётган полвонларни чемпионликка етаклаш зиммангизда. Шогирдларингизни мусобақаларда тез-тез кўрамиз. Айтинг-чи, бу мураккаб жараёнда ёшларга қандай талаб кўясиз?

— Гурури бўлган кишигина курашиши керак, деб ҳисоблайман. Чунки, бу спорт тури инсонни фақат жисмоний томондан эмас, балки маънавиятини ҳам шакллантиришга хизмат қилади. Энг муҳими, тартиб. Шогирдларимнинг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатаман. Мураббий ким нимга қодир эканини тез илғаши керак. Ҳамма болага ҳам бир хил ёндашиб бўлмайди. Аммо ҳар бирида умумий жиҳатлар-

...Майдон атрофини тўмонат одам ўраб олди. Кураги ерга тегмаган паҳлавон, самбо бўйича Европа чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, «Бухоро танки» дея эътироф этилган Собир Қурбоновнинг тўнғичи, 17 ёшли Ақобирнинг ҳаракатларини катта-ю кичик ўзгача бир иштиёқ билан кузатади. Гарчи ўнгит гиламда суст ҳаракатланаётган бўлса-да, одамлар: «Полвоннинг боласи-да, ҳали бир ҳунар кўрсатиб, рақибини мағлуб этади», деган ўйда ундан кўз узмайдилар. Рақибни эса унинг сусткашлигидан унумли фойдаланади. Танафрус вақти устози — отаси «Сенга нима бўлди? Кураш мардларининг иши, гиламда ўзингни эркин тут, рақибингни ҳар бир ҳаракатидан оёқ бўл», деди. Бу сўзлар далола бўлдимиз, илк кураш галаба билан якуланиди.

Шундан сўнг курашчи неча мартаба мағлубият аламини татиб кўрди, қанча рақиблари курагини ерга теккизди. Ва ниҳоят, отаси орзу қилган, юртдошлари интиқ кутган кунлар келди. 1995 йил Ақобир Қурбонов учун галабаларга бой бўлди. Ёшлар ўртасида Осиё чемпиони (Бишкек), Нови-Содда Жаҳон универсиадаси ғолиби ва Софийада жаҳон чемпионлигини кўлга киритди. Софийада ўтган мусобақада жароҳатланганига қарамай, чидам билан охиригача курашди ва шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Ўзбек кураши бўйича биринчи жаҳон чемпиони бўлди. Жаҳон кубоци соҳибига айланди. 1997 йилда Улан-Баторда катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида биринчи ўринни эгаллади. Россиянинг Кстов ва шаҳрида эса жаҳон кубоцини кўлга киритди. 1998 йили Тошкентда, 1999 йили Сингапурда бўлган Осиё чемпионатларида унга бас келадиган рақиб топилмади.

ни шакллантириш лозим. Эпчиллик, кунт, тезкор ва тўғри фикрлаш, куч устувор жиҳатлардир. Майдонда, беллашув бошланганда спортчида кўрқув пайдо бўлади. Бу рақибингни билмаганлигинг ёки уни кучли деб ҳисоблаганингдан. Аммо буни унга асло билдирмай, тезкор, тўғри қарор қабул қилиш лозим. Рақибга қўлингни теккизишинг билан унинг нималарга қодирлигини билиб олишинг керак. Шундагина ўзингдан

кучлироқларни ҳам енгиш мумкин. Курашнинг шу каби сир-асорини шогирдларимга ўргатаман. Ғолибларини ҳам, мағлубларини ҳам ортиқча мактамайман ёки танбех бермайман. Меъёрга амал қиламан. Мақтов манманлик, танбех тушкунлик сабабчисиدير.

— Курашда йигитлар билан бирга қизларимиз ҳам фаол. Умуман, хотин-қизларнинг бу спорт тури билан шуғулланишига қандай қарайсиз?

— Халқ достони «Алпомиш»да Барчининг ўзига хос жиҳатлари бор. Ана шулардан бири қизнинг курашда моҳирлигидир. Кураш қизларни чаккон, гурурли қилиб тарбиялайди. Йигитларга қандай таъсир қилса, қизларда ҳам худди шундай. Аммо уларнинг кучи чекланганини эътиборга олиш лозим. Тўғри, интилиш кучли, ҳар бир машқни кунт билан бажаришади. Бироқ уларнинг жисмоний имконияти йигитларга нисбатан кам. Ё оёғини, ёки қўлини тўғри ишлатолмайди ва натижада, кучини аниқ сарфлашолмайди. Шунда ҳам катта натижаларни кўлга киритган қизлар кўп. Шогирдларимдан Нилуфар Давлетова Осиё чемпионлигини кўлга киритди. Сарвиноз Шайдуллаева, Муҳайё Шукурова ҳам чемпионлик макомига эришди.

— «Ишига шошиб бориб, уйига ошиқиб келадиган инсон бахтлидир» деган гап бор. Галабага эришган спортчи, демак, ўз касбини севади, бунинг замирида эса бевосита оиладаги хотиржамлик мужассам...

— Бухоро вилояти Бухоро тумани Маданият қишлоғида туғилганман. Бугунгача шу қишлоқнинг ўзидан 5 нафар жаҳон чемпиони чиққан! Улар орасида энг ёши менман. Демак, бу гўшадаги ҳар бир хонадонда оилавий хотиржамлик бор, ана шундай муҳитдагина ғолиблар улғаяди.

— Оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Умр йўлдошим Зарина билан бир-биримизни тушунамиз. У ҳар бир ишни ўз ўрнида, оқилолик билан бажаради. Уйдаги муаммоларни кўчага олиб чиқмай, мурося билан ҳал қилади. Оилада эркак устун ва фарзандларига ўрнак бўлиши керак. Ўғлим Саидисломбек 9-синфга ўтди, кенжамиз Акбарали боғчага боради. Керакли пайтда қойийман, ўз вақтида эркалайман ҳам. Кўпроқ насиҳат беришга ҳаракат қиламан. Чунки фарзанд тарбиясида — уни тушуниб, гаплашсангиз яхши натижага эришиш мумкин. Болаларимнинг эркин, бахтли ўсишлари учун бирга дарс тайёрлайман, суҳбатлашамиз, боғларга, театрларга борамиз. Эътибор болани меҳрли ва оқибатли қилади. Саидисломбек ҳозир кураш билан шуғулланаяпти. Уларнинг ўз йўлини ўзи танлаб, ёқтирган соҳасининг мутахассиси бўлишини истайман. Чунки ҳар бир оиланинг орзуси фарзандини юрт қорига яраб, унинг равнақиға ўз хиссасини кўшаётганини кўришдир.

«Оила ва жамият» муҳбири
Камола АДАШБОВА
суҳбатлашди.



ЖОРИЙ ЭТМОҚ — аини пайтда содир бўлаётган, кучга киритилган, давом этаётган каби маъноларни англатган «жорий» сўзининг туб илдизи «оқувчи», «оқиб турган», «айланиб юрган», «тақозо қилмоқ» каби маъноларни ифодалаган.

Ишқ аҳкоми кўзу кўнглум ародур жорий.

«Хазойинул-маоний»
девонидан

Рубъи масқунда каъбаи
осор дегил,
Байтул-муқаддасда жорий
девор дегил.
«Назмул-жавоҳир»
асаридан

ЁРО, ЯРОҚЛИ ВА ЯРАМОҚ — тилимизда «ишга ярайди», «қунинга ярайди» каби бирикмалар қўлланади. «Яроқли» ҳам шу мазмунда. Қизиғи шундаки, Алишер Навоий асарларида «ёро» деган сўз қўлланган ва бу сўзнинг асл мазмуни «қувват», «мадор», «илож» деган маъноларни ифодалаган. Демак, «ярамоқ» «қувват бўлмоқ» деган маънодан келиб чиққан.

Бу ўтдин сув бўлиб хороси онинг,
Вале йўқ сўроғи ёроси онинг.

«Фарҳод ва Ширин»
достонидан

ДИҚҚАТ — эътибор, синчковлик, кунт қилишни ифодалайдиган «диққат» сўзининг туб илдизи «ингичкалик», «нозиклик» маъноларини англатган.

Шоҳлар нодир атвор ичра,
Нуктау диққату ашвор ичра.

«Хазойинул — маоний»
девонидан

ДЕХҚОН — «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да «деҳқон» сўзи «қишлоқ бошлиғи», «бадавлат киши», «ишбилармон», «тажрибадор», «соҳиб» маъноларини англатади деб изоҳланади.

Деҳқоннинг бир дона сочарида
бу холдур, ўзга ишлари таърифи
маҳолдур.

«Маҳбул-қуллуб»
асаридан

Хирад деҳқони мундоқ
нуктаи дер:

«Ки дона сочқали яхши керак ер».
«Фарҳод ва Ширин»
достонидан

ДЕБОЧА — ҳар нарсанинг бошланғич қисми, кириш сўз, муқаддима, девонларнинг нақшлар билан безатилган биринчи саҳифаси «дебоча» деб аталади.

Эй сафҳаи рухсоринг азал
хаттидин иншо,
Дебочаи хуснингда абад
туғраси туғро.

«Хазойинул-маоний»
девонидан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

УМРНИ ҒАНИМАТ БИЛИНГ

Аллоҳ таоло халқ қилган барча махлуқоту-мавжудотлари орасида инсонни азиз ва муқаррам қилиб яратганлигига заррача шубҳа йўқ. Одам фарзандига бошқа махлуқотлардан фарқли ўлароқ, кўпгина неъматлар ва имкониятлар ато этилган. Парвардигор томонидан берилган неъматлардан оқилона фойдаланган, шу билан биргаликда, муқаддас китобларда белгиланган амалларга итоат этган инсон учун беҳисоб муқофотлар тайин қилинган. Билъакс, Аллоҳ таонинг берган гўзал неъматларига беписанд бўлиб, совурган, исроф ва итоатсизлик қилганларга гуноҳига яраша жазо ҳам муқаррар эканлиги баён қилинган.

Албатта, инсон учун берилган энг улуг неъмат бу сўзсиз УМРдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ): **“Қиёмат куни бандадан тўрт нарса хақида, яъни умрини нимага сарф этгани, ёшлик вақтида нима билан машғул бўлгани, молини қай йўл**

ила топиб, қайси жойга сарфлагани ва илмига қандай амал қилгани тўғрисида сўралмагунча, оёғи ердан узилмайди” (Имом ат-Термизий ривояти), — дедилар. Демак, инсон зоти умрининг, бўш вақтининг қадрига етиб, имкон бўлдимиз, савобли амалларга сафарбар этмоғи, куч-қувватга тўла, серғайрат, шижоати юксак бўлган ёшлик пайтида, ҳар бир лаҳзани ғанимат деб билиб, эл-юрт манфаати учун, халқ фаровонлиги йўлида астойдил ҳаракат қилиши, эгаллаган ҳалол касб-кори орқали топилган молу дунёсидан орттурса, муҳтож кишиларга хайру саховат кўрсатмоғи ва қолаверса, илмга интилиб, изланиб олим бўлгач, уни гўзал тарзда келажақ авлодга етказиши лозим эканлиги жоиздир.

Ҳазрати Умар (р.а.) ҳар куни ўзларига, бугун Аллоҳ учун нима иш қилдинг, эй Умар, деган саволни берар эканлар. Бу хайрли амал аслида барчамиз учун ибратдир. Негаки, Яратганнинг инояти билан ато

Қадрият

этилган кунда энг аввало, ўзимиз яшаётган жамият тараққиёти, юрт манфаати, қолаверса, муқаддас кўрғон ҳисобланган оиламизни мустаҳкамлаш, замондошларимиз манфаатига хизмат қилувчи савобли, фарзанду аржумандларимизга таълим-тарбия бериш йўлида қандай ибратли ишларга қўл урдик, дея ўзимизга ўзимиз савол бериб, ўтган ҳар бир кунимизни сарҳисоб этиб, эришилган ютуқлардан шукроналик ҳисси билан, ва ўз навбатида йўл қўйилган хато-нуқсонлардан тўғри хулоса чиқарсак, албатта, умримизга умр, қалбимизга пок ниятлар йўлдош бўлади.

**Қодиржон УМРЗОҚОВ,
Поп туманидаги
“Муҳаммаджон қори”
жоме масжиди
имом-хатиби.
Наманган вилояти.**



“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” акциядорлик компанияси жамоаси

**барча юртдошларимизни кутлуғ байрам —
Қурбон ҳайити билан самимий
муборакбод этади!**

*Меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи
сифатида кенг нишонланиб келинаётган бу айём
барчамизга муборак бўлсин.*

*Яратгандан халқимизга омонлик, озод ва обод
Ватанимизга тинчлик-осойишталик,
кексаларимизга узоқ умр, ёшларимизга
баркамоллик, лафзи ҳалол бободехқонларимизнинг
хирмонларига файзу барокот тилаймиз!*



**Ўзбекистон Республикасида чоп этилаётган
вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!**

ХОРИЖДАН МЕҲМОН КЕЛСА...

Мамлакатимиз қонунчилигида чет эллик меҳмонларнинг юртимизда вақтинчалик яшаб туриш муддати қандай тартибда белгиланган?

**С. Мажидов,
Жомбой тумани.**

— Хорижий фуқароларнинг мамлакатимиз ҳудудига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги 408-сонли қарориди белгиланган бўлиши мумкин. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистонга меҳмон сифатида келаётган хорижий давлат фуқаролари миллий паспортлари асосида хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларида расмийлаштирилган виза асосида республикамизга кириб келиб, ҳудудий ички ишлар идораларидан вақтинча рўйхатдан ўтган ҳолда истиқомат қиладилар.

Зарурият юзага келганда ушбу виза муддатлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда узайтириб берилиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига кириш визаси талаб этилмайдиган МДХ га аъзо давлатлар фуқаролари 3 кундан 6 ойгача бўлган муддатга доимий яшаш жойларидан рўйхатдан чиқмасдан туриб ва 6 ойдан бир йилгача бўлган муддатга эса доимий яшаш жойларидан рўйхатдан чиқарилганларидан сўнг вақтинча рўйхатдан ўтиб яшашлари мумкин.

**Саволга Жомбой туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи, майор
Дилноза БАҲОДИР қизи жавоб берди.**

ТАЛАБ ВА МАЖБУРИЯТ

80 дан ошган отахонга кўмаклашиб, уни озик-овқат ва дори-дармон билан таъминлаб тураман. У киши яқинда ушбу хизматларимни эътиборга олиб, ўз уй-жойини менга васиятнома орқали қолдиришини айтди. Ушбу васиятнома қандай тартибда расмийлаштирилади?

**С. Эшбекова,
Жиззах шаҳри.**

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 530- ва 531-моддаларида умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш шартномасини тузиш тартиби белгиланган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, уй-жой ёки уйнинг бир қисмини олувчи шахс ёки соғлиги туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа шахсни умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Умрбод моддий таъминлаш ўзаро келишувга кўра, натура ҳолида уй-жой бериш, овқатлантириш, парвариш-лаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида амалга оширилиши мумкин.

Моддий таъминот олувчи эса уй-жой ёки уйнинг бир қисмини, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Умрбод таъминлаш шартлари билан уй-жой (квартира) ни бошқа шахсга бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда расмийлаштирилади. Унда бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой ёки уйнинг бир қисми, квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Моддий таъминлаш шартлари бажарилмаган ёки етарлича бажарилмаган тақдирда шартнома шартлари уй-жойни берувчининг талабига кўра ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бунда олувчи шартнома амал қилган даврда моддий таъминлашга ёки уй-жойни сақлаб туришга сарфлаган харажатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Олувчи вафот этган тақдирда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой ёки уйнинг бир қисми, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасининг ворисларига ўтади. Олувчининг ворислари бўлмаганида ёки улар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой квартира уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

**Саволга Зарбдор тумани ДНИ нотариуси
Ирода АРТИКУРОДОВА жавоб берди.**

Тошкент фармацевтика институтининг томонидан Арзи-хан Исмамутова номига берилган № 225198 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

— Хай чиройли, манга кара, санга бир гапим бор.

Бозор дарвозасидан парижон ҳолда чиқиб кетаётган йигирма беш ёшлардаги жувон лўли хотиннинг чорлови билан тўхтади.

— Менга айтяпсизми?

— Ха, санга гапироппан, бери кел.

Жувон унга яқинлашди. Атрофдаги томошатаалар қаторида мен ҳам воқеанинг

гизми, Хўжакул Анорадан шубҳаланиб, ортидан пойлаб юрганмиш", деган мишмишлар кўпайди. Бу йигитнинг феълени билганлар кўлиб қўя қолишди. Билмаганлар эса: "Тавба, шундоқ аёл эрига хиёнат қилса-я", деб унга гумонсираб қарайдиган бўлишди...

Аслида Анора жуда меҳнатқаш, хокисоргина жувон. Дўконда фаррош бўлиб иш-

нинг ташвишини қилмас эканман", деган ўйда Анора шоша-пиша болаларига ош-овқатини берди-да, кўшниникига чиқиб учун эридан руҳсат сўради. Кейинги пайтда хотини қаерда ишласа ўша ерга бориб, хуфёна тарзда унинг ортидан "айғоқчи"лик қилаётган, хотинини бирор хиёнат устида қўлга тушириш пайида юрган Хўжакул: "Майли чиқавер", деди-ю, уни пой-

нарвонни жойига қўй", деб бақирарди. Маълум бўлишича, у кечкурун ўзи билмаган ҳолда ари уя курган устун ёнида ухла қолган экан. Эрта тонгда ҳаракатга тушган арилардан беш-олтитаси уни яхшигина чақишга улгурибди...

Бу кулгули воқеа ўша кунгиде маҳаллага овоза бўлиб кетди. Анора шундан бери одамлардан уялади. Дўконга кириб-чиқаётган эркакларнинг баъзилари унга синчков қарайдиган бўлиб қолишди. Шундай кезларда: "Булар ҳам мени хиёнаткор хотин, деб ўйлаётганмикан", деган ўйда уятдан ерга киргудек бўлади. Эри гумонсираб, унинг ортидан пойлаб, одамлар кўз олдида ёмонотлик қилиб турган бўлса, хотин кишининг: "Мен ёмон йўлга юрмайман", деганига биров ишонадимми?.. Эри эса болаларининг онаси, ўзининг жуфти ҳалолони химоя қилиш ўрнига бадгумонлигини қўймайди. Шу қилмиши туфайли хотинининг ундан кўнгли совуб бораётганини ўйлаб ҳам кўрмайди...

ИККИНЧИ ВОҚЕА

...Ошна-оғайнилари Самадбекка ҳавас қилишади. Ишдан омади чопган. Меҳнатқаш, интилувчан бўлгани учун тез орада мартабаси кўтарилиб, хизмат машинасида юрадиган бўлди. Самадбекка бошқалар ҳар қанча ҳавас қилса-да, ичидан ўтганини ўзи биллади. Энг дахшатлиси, ўйда тинчи йўқ. Хотини: "Қаерда эдингиз? Иш вақти тугаганига неча соат бўлди? Ким билан нима иш қилиб юрибсиз? Котибангиз уйига соат нечиде кетди?" деган бўлмағур саволларни беравериб унинг бошини қотиради. Ишдан чарчаб борганида бундай гаплар унга сираям ёқмайди. Шундай бўлса-да, "Яхши кўргани туфайли рашқ қилса керак-да, менинг номаъкулчилик қил-

дан охири ишдан бўшаб кетди. Иккинчи котибанинг бошига ҳам шундай кун тушди. Самадбек уйига келишдан, хотинининг хўмрайган юзига қараб ҳисоб беришдан, ўзини оқлайверишдан безиллаб қолди. Аччиғи чиққан пайтда жавобини бериб юборай деса, учта қорақўз фарзанди бор. "Мен уйим-жойим деб, ишлаб юрибман, ахир, бундай номаъкулчиликларга вақтим йўқ", деганига хотини ишонмайди. Телефонини титкилайди, кимлардандир рашқ қилади. Ўзининг гумонлари ўтида ўзи қовурилади. Унинг сўроқ-саволларидан чарчаб, Самадбек онасининг ҳовлисида тунайдиган одат чиқарди.

— Келин билан гаплашиб олмасангиз бўлмайди, — деди бир куни ҳайдовчиси Мансур ака. — Сиздан қаттиқ шубҳаланяпти.

— Бирор нарса дедими?

— Сизни хиёнат устида ушлашига ёрдамлашсам, менга жуда катта суммада пул берамиш. "Ҳеч қаерда ишласангиз, пулни қаердан оласиз", деб сўрасам, "Эримнинг рўзгорга деб берган пуллари-дан йигиб қўйганман", дейди. — Мен-ку сезинг ҳалоллигингизга ишонаман. Аммо ишхонадагилар: "Шамол бўлмасе даррахтнинг учи қимирламайди. Бир гап бордирки, хотини ортидан пойлаб юрибди", деб гийбат қилиб, обрўйингизга пугур етказишяпти-да, ука, — деди ҳайдовчи куйиниб.

Шундоқ ҳам сиқилиб юрган Самадбекнинг тепа сочи тикка бўлди. Уч фарзанди ҳам кўзига кўринмай, уйига келиб, "Қандай хотинсан ўзин? Тинчгина ишлашга қўясанми, йўқми? Бу уйни ҳам гурбатхонага айлантирдинг-ку! Бундай оиланинг боридан йўғи яхши, тушундигми. Аслида сен билан ажрашмагунимча тинчмас экансан", деб ичидеги бор аламини тўкиб солди. Хотини аразлаб, отасининг уйига жўнаб кетди...

Агар ота-онаси ва қайнота-қайнонаси ўртага тушмаганида хотини ўзининг бадгумонлиги, бемаъни шубҳалари туфайли уч фарзандни тирик етим қилиб, оиласининг бузилишига сабабчи бўлиши ҳам ҳеч гап эмасди...

Афсуски, сўнгги пайтларда юқоридагидек воқеаларга тез-тез дуч келаяпмиз. Эр-хотиннинг бир-биридан шубҳаланишига асос бўлувчи омиллар ҳам тобора ортиб бораётгандек... Кўл телефонига адашиб келган sms хабари ёки номаълум, яширин рақамли кўнғироқлар ҳам қанча-қанча хонадонлар тинчини бузмоқда.

Азалдан оилани муқаддас билган халқимизда ота-онанинг аҳиллиги, ўзаро ишончи ва меҳр-оқибати соғлом оила асосини ташкил этишини далиллайдиган ўғитлар жуда кўп. Шубҳа-гумонлар эса ана шу олтин асосни емиришини унутмаслигимиз керак.

Хамроҳон
МУСУРМОНОВА.



ГУМОН ИЙМОНДАН АЙИРСА...

давоми нима бўларкан, деган ўйда қизиқиб уларни кузата бошладим.

— Шу кунларда бошинг қотган. Бир аёлнинг санга душманлиги бор, эрининг кўнглини қолдириш учун "иссиқ-совуқ" қилиб, остонанга нарса сепиб кетган. Шундан хўжайининг билан муросанг келишмай юрибди. Қани манга беш минг сўм бер-чи, ўша аёлнинг кимлигини айтман.

Жувон илкис бош чайқади:

— Кўйинг, гапирманг. Эрим билан муросам ёмон эмас. Худо хоҳласа, ичимни куйдириб турган мушкулим ҳам осон бўлар. Ҳозир кўйиб берсам, "оқ сариқдан келган, қора кўз, сочини сариққами, қорагами бўяган, ўзига оро бериб юрадиган бир аёл шу ишни қилган", дейсиз-да. Кейин мен эрим иккаламизнинг атрофимиздагилардан шубҳаланиб, гумон ўтида куйиб юраманми? Яхшиси, индамай қўя қолинг. Мана, буни олинг.

Жувон лўли хотинга икки юз сўмини тутқазиб, яна йўлида давом этди. "Оқила аёл экан, ўзини ҳам, оиласини ҳам шубҳа балосидан асраб қолди", деган ўй ўтди кўнглимдан.

Шу асно кейинги пайтда тез-тез гувоҳ бўлаётганимиз — айрим эр-хотинларнинг шубҳа ва гумонга берилиб, хонадонини нотинчлик гирдобига ташлаётгани, бири-бирининг обрўсини тўкиб, ўз фарзандларини чирқиратиб, оиласини барбод қилаётгани ҳақида ўйладим.

БИРИНЧИ ВОҚЕА

...Маҳаллада: "Эшитдин-

лайди. Икки ўғли бор. Ўзини ўтга-чўққа уриб, бир-икки сўм пул топишга, рўзгорини бутлашга ҳаракат қилади. Иш танламайди. Бўш вақт топса, қўни-қўшни, маҳалладаги ўзига тўқ оилаларнинг рўзгор юмушларига ҳам қарашиб кеттаверади. Хонадон бекалари ўн-ўн беш минг сўм берса ҳам ҳарна-да, болаларининг бир камига ярайди-ку. Эри Хўжакул бўлса ҳеч қаерда ишламайди. Баъзи-баъзида биров-яримнинг деворини сувоқ қилибми, томини таъмирлабми, кунига кунбай уч-тўрт сўм топиб келишини айтмаса, фирт бекорчи. Эртадан-кечгача олди-қочди киноларни кўриб, телевизор рўпарасида ёнбошлаб ётади. Кечки пайт ўзига ўхшаш такасалтанг оғайнилари билан чойхонада йиғилишиб, нарда ўйнашади. "Сиз ҳам бошқаларга ўхшаб ҳаракат қилинг, иш одамни қидириб келмайди, одам ўзига мос ишни излаб топиш керак", деб Анора кунда бўлмасаям, кунора жавради. Текинхўр, ётиб ейишга ўрганган эрдан садо чикмади.

...Анора бечора ўша воқеа содир бўлгунга қадар эрининг ялқовлиги, рўзгорининг кам-кўстига кўникиб яшаётганди. Аммо... Хўжакулнинг бадгумонлиги туфайли жувоннинг маҳалла-кўйда боши эгилди.

Ўша куни кечки пайт кўшниси Сорахон опа: "Илтимос, менга қарашиб юборинг. Ишдан қайтаётиб, бозордан помидор ола келувдим. Иккаламиз томат қилиб, банқаларга ёпиб қўяйлик. Сизга ҳам ўнта банкасини берадим", деб ёрдам сўраб чиқди. "Қарашам, қишлик томатим-

лашни кўнглига тугиб қўйди. Сорахон опа: "Хўжайинининг жиянлари бизниқанда", дегандек бўлувди. "Ўшалар билан хиринглашса-я", деган ўйда атрофни қоронғилик босган маҳали томга чиқиб, ҳовли яққол кўринадиган жойга бориб ўтирди. Бир соат, икки соат ўтди ҳамки, кўшнининг меҳмон йигитлари ичкаридан ташқарига чикмади. Анора, Сорахон опа ва унинг қизи эса ўз ишлари билан овора эди. Шунда ҳам Хўжакулнинг кўнглидаги гумони аримай,

...Анора бечора ўша воқеа содир бўлгунга қадар эрининг ялқовлиги, рўзгорининг кам-кўстига кўникиб яшаётганди. Аммо... Хўжакулнинг бадгумонлиги туфайли жувоннинг маҳалла-кўйда боши эгилди.

улардан кўз узмай ўтираверди. Ниҳоят чарчаб, тўсин тагига йиғилган сомонга ёнбошлаб, қўзи илдинди...

Уйига қайтган Анора шундоққина дарвоза ёнида томга тираб қўйилган нарвонни кўриб: "Оббо, дадаси буни нимага бу ерда қолдирибди, эрталаб болалар шумлик қилиб, тирмашса, тагин йиқилиб кетмасин", деган ўйда, уни қийнала-қийнала пастга тушириб қўйди.

Хўжакулни уйдан тополмагач, "Яна оғайнилари билан кўчага чиқиб кетгандир-да", деган ўйда жойига ёнбошлади-ю, чарчоқ кучлилик қилиб, дарров ухлаб қолди. Тонг саҳарда бировнинг вой-войлашидан чўчиб уйғониб, ҳовлига чиқса, юзини чангаллаб олган Хўжакул томда у ёқдан бу ёққа бориб келар: "Тезроқ

Халқимиз — донишманд. Минг йиллардан буён қимматини йўқотмай келётган донишмандлик намуналари — ривоятларимиз, ҳикоятларимиз бор. Айниқса, кексаларимиз кўп йиллик ҳаётини тажрибалари асосида қайта-қайта сивовлардан ўтган ривоят ва ҳикоятлардан, ўз турмуш тажрибаларидан фарзандлари, наби-ралари тарбиясида мунтазам фойдаланиб келадилар. Шундай халқ донишмандлиги намуналари асосида Солиҳа буви образи орқали турмуш тажрибаси етарли, ҳаммага ўрнак, намуна бўладиган, ҳаммани фақат яхши ишларга ундайдиган бувижонларимизнинг умумлашган образини яратилиши режалаштиргандим. Бундай маслаҳатгўй, доно бувижонларни деярли ҳар бир хонадонда, маҳаллаларимизда учратилишимиз мумкин. Уларнинг ҳаётини сабоқларини тинглашга, насиҳатларига кулоқ солишга ҳар биримиз ўзимизда вақт тополсак, ўғитларига амал қилсак кам бўлмаймиз.

СОЛИҲА БУВИ НЕ ДЕЙДИ?

ЛУҚМАНГИЗ ҲАЛОЛМИДИ?!

Богчадан болаларини олгани борган ота-оналар қаторида. Беҳзоднинг онаси ҳам шошиб келди-ю, уни кийинтира бошлади. Ўғилчасининг пальтоси чўнтагидан турли хил ранга бўялган кубикча ва соч тўғноғичини топиб олди. Ўтган кун чўнтагидан "лего" ўйинчоғи бўлакчаси чиққанди, ундан аввал эса ўртоғининг пуфағи билан кичкина тўплончаси. Ўғилнинг қилигидан бошқалар олдида изза бўлган она: "Булар нега сенинг чўнтагингда турибди?" деб кўлига урди. Бола лабларини чўчайтириб йиғлаб юборди. Тарбиячи ҳам Зилоланнинг соч тўғноғичини кўриб: "Вой, сен олганмидинг буни, ҳали қанча қидириб тополмагандик", деди. Она энди аламини тарбиячидан ола бошлади. "Булар боламнинг чўнтағига қаердан тушиб қолди? Нега қарамайсизлар? Болалар нима қилаётганини назорат қилсанглар бўлмайди-ми?". Унинг шанғиллашидан бошқа ота-оналар сергақланди. Баъзилари уйига кетаётган бўлса ҳам воқеа нима билан тугашига қизиқиб, тўхтаб қолди. Муслима исмли қизчани ҳар кун Солиҳа бувиси олиб кетарди. Ҳозир ҳам болакай Беҳзоднинг онаси тарбиячи опасига қичқирганини кўриб, кўрқиб кетди ва дарров буви-сининг пинжига суқилди. "Болаларни доим назорат қилиб тураман, лекин бу ишни қанчон қилганини билмай қолибмиз. Ахир, бу биринчи мартамас-ку, аввалги шунақа ишларидан кейин Беҳзодни олдимга ўтказиб алоҳида сўхатлашгандим, бу ишнинг ёмонлигини тушунтиргандим, яна барибир шундай қилибди", деди айбисиз айбдор бўлиб қолаётганидан ҳар қанча жажжи чикса ҳам ўзини босиб богча опа. Онага айниқса, тарбиячининг "биринчи мартамас-ку" дегани ўтиб кетди. Чунки у ҳозир гувоҳ бўлиб турганлар олдида ўзини оқлаш учун халиги гапни айтганди-да. "Боламизни кўлингизга ишониб топшираёلمизми, тарбияланглар, ўргатинглар, сизлар шу учун ойлик оласизлар!" шаллақиликни янада баландроқ пардада давом эттирди она. Муслима ҳам кўрқиб, ҳам севимли богча опасига раҳми келиб йиғлаб юборди. Шунда унинг бувиси набирасининг бошини силаб юпатар экан, ўта сокин оҳангда Беҳзоднинг ойисига юзланди: "Менга қаранг, она қизим, бир оғиз сўзим бор сизга". Онахоннинг овозидаги сокинликми, чехрасидан таралаётган нурми жаҳлдан бўриқиб, янги ҳамлага тайёрланган аёлга таъсир қилди, шекилли, "Нима демокчисиз?" деди паст, аммо зардалироқ овозда. Онахон у ёқбўёққа қараб, гаплашиш учун кулай жой қидирди. Кейин болаларини аллақачон кийинтириб бўлиб можаронинг якунини кутиб турганларга қараб: "Шу қизимга икки оғиз гапим бор эди, ўзларига айтсам дедим", деди узрли оҳангда. Унинг нима демокчилигини тушунганлар бирин-кетин чикиб кетишди. Тарбиячи онахонга ва Беҳзоднинг ойисига ўтириш учун стул келтириб бериб, бу можаронинг



тинчгина ҳал бўлишига умид қилиб ўз ишига уннаб кетди.

— Она қизим, нима иш қиласиз? — онахоннинг осойишта овозида кишини ўзига сеҳрлаб кўядиган нима-дир бор эди.

— Бозорда савдо қиламан.

— Савдо-сотик яхши иш, агар унинг амалларига риоя этилса, — деди онахон. — Сиз бу амалларни яхши билсангиз кераг-а? Аввало, харидорни ҳақиқа хиёнат қилмаслик, яъни тарозингиз ҳалол бўлиши керак, кейин бировнинг дилини оғритмаслик, ёлгон гапирмаслик, яъни сифатсиз нарсани сифатли деб сотмаслик, тўғрими? Энг аввал, шуларга амал қилишингиз керак. Болангизнинг ҳозирдан бундай иш қилиши менимча, Аллоҳнинг сизга юборган оғохлан-тириши бўлса керак. Бундан кейинги ишларингизни ўйлаброк қилинг, қизим. Болангизни тарбияси билан эса ҳозирданок жиддий шуғулланг, кейин кеч бўлиб қолмасин.

Ана шунақа гаплар, қизим, вақтингизни олганим учун узр, болангизнинг хузурини кўринг, илоҳим.

ЭРНИ ЭР КИЛАДИГАН...

Муслима Солиҳа бувиси билан етаклашиб уйларига яқинлашганда, кўчанинг бошида икки-уч аёл турганини кўриб қолишди. Улардан бири овозини баланд кўтариб ёнидагиларга ниманидир тушунтирар, ора-чора кўз ёшини ҳам артиб кўярди.

— Нима бўлди, қўшнижонларим, сал безовтароқ кўринасизлар? — деди Муслиманинг бувиси уларга яқинлашиб.

— Ассалому алайкум, бувижон, ўтган гал сизнинг гапингизга қилиб уйимга кетмовдим, мана, барибир бўлмади, энди кетаман. Эрим яна жанжал бошлади, айтишича, ҳурматини жойига қўймаётганмишман. Ош-овқатини вақтида тайёрласам, кири-ни ювсам, яна нима қилиб берай? Ўзи оддий шофёру "кийимларимни дазмолламабсан", деб жанжал қиладди.

Дазмоллаганим билан кечгача топ-тоза юрса экан, қора мой қилиб келади. Йўқ жойдан баҳона топади, уриш қилгани-қилган. Бўлди, тамом, энди уйимга кетаман, болаларимни ҳам бездириб юборди.

Солиҳа буви унинг гапини сабр-тоқат билан тинглаб турди-да:

— Гапингиз тугадими, қизим? — деди ўта сокин овозда.

**Авалло, харидорни
ҳақиқа хиёнат қилмаслик,
яъни тарозингиз ҳалол
бўлиши керак, кейин би-
ровнинг дилини оғритмас-
лик, ёлгон гапирмаслик,
яъни сифатсиз нарсани
сифатли деб сотмаслик,
тўғрими? Энг аввал, шу-
ларга амал қилишингиз
керак.**

Товушидаги сокинлик куйиб-пи-шиб гапирётган аёлга таъсир қилди.

— Қани, уйингизга қирайлик-чи, ёки кўчада ҳам гаплашаверамизми? Сизлар ҳам юринглар, қизларим, бир дардлашиб олайлик, ўзи юракдан сўхбат қилмаганимизга ҳам анча бўлди, — деди буви аёлларга.

Ҳалигина астойдил кетмоқчи бўлиб турган аёл бувининг гапидан кейин бирдан бўшади, аёлларни уйига бошлаб кирди.

— Қизларим, сизларга насиҳат қилмоқчи эмасман, бир ривоят айтиб бераман. Қандай хулоса қиласизлар, ўзларинг биласизлар. Бир қишлоқда подачи ва унинг хотини яшар экан. Қишлоқда ҳамма эркаклар ўз хотинларига ўша подачининг хотинини мисол қилиб кўрсатар, ундан ўрнак олишни айтар эканлар. Бир кун оқсоқол хотинидан норози бўлибди ва "Эрни ҳурмат қилишини, ана, подачининг хотинидан ўрган", дебди. Оқсоқолнинг аёли бу гапдан

Ўзбек феъли

кейин, "Ҳамма мақтайди бу аёлни, эрини қандай ҳурмат қилишини кўриб келаман", деб ўйлаб подачиникига борибди. Кириб борганда подачининг аёли ҳовлида турган челақдан сув олиб ичаётган экан. Кун иссиқлигидан томоғи қуриган аёл: "Менга ҳам сувингиздан беринг" дебди. "Бу сув сизга бўлмайди, иссиқда илиб қолган, ичкарида турган муздек сувдан олиб чиқаман", дебди мезбон. Аёл ҳайрон бўлиб: "Унда нега ўзингиз шу сувдан ичаяпсиз?" деб сўрабди. "Ҳозир хўжайиним саҳ-роода мол боқиб юрибдилар, идиш-чаларидаги офтобда илиб қолган сувдан ичаётган бўлсалар керак, у киши илиқ сув ичсаю мен бу ерда муздай сув ичиб роҳатланиб ўтирсам, аёллигим қайда қолади?" дебди подачининг хотини... Нима демокчилигини тушундинглар-а, она қизларим? "Эр — ярим пир", дейди доно халқимиз, Аёл киши аввало, эрни рози қилиши, унинг ҳамма юмушларини ҳозирлаши керак. Шунда оилангиз ҳам тинч, ўзингиз ҳам хотиржам бўласизлар.

ОНА ДУОСИНИНГ СЕҲРИ

Ҳар кун Солиҳа буви ўғилларини, невараларини ишга алқаб кузатиб кўяди. Бу оиладаги одатий ҳол бўлганлигидан ҳамма бунга кўниккан. Агар онахон ибодат билан машғул бўлса, фарзандлари кутиб туришади. Онахон дуо олиб, хотиржам ишга кетишади.

Бувининг дуолари эзгу тилакларга бой: "Илоҳим, тупроқ олсангиз олтин бўлсин, олтин бошингиз омон бўлсин, ҳар доим ниятингиз оқ, йўлдошингиз Ҳақ бўлсин, ишингизнинг ривожини берсин, яхшиларга ёндоштинсин, ёмонлардан адаштинсин, ўт балосидан, сув балосидан, тухмат балосидан асрасин".

Олти ёшдан ошган Муслима бир кун бувисига шундай савол берди: "Бувижон адам, амакиларим ҳар кун ишга кетаётганда сиздан дуо деб сўрашганда, сиз дуо қилмасангиз нима бўлади?". Солиҳа буви севимли неварасига она дуоси ҳақидаги бир ривоятни айтиб берди, ўзингизга тегишли хулоса чиқариб оларсиз деган умид билан бу ривоятни сизга ҳам илиндик.

...Бир моҳир саркарда ўтган экан, жанглариининг ҳаммасида голиб бўлар, бирор маротаба боши эгилмаган экан. Саркарда жангга ҳеч қачон совут ва дубулға кийиб қирмас, шунда ҳам унга душман ўқи, қиличи таъсир қилмас экан. У ёши элликка етганда бир темирчининг олдига бориб, ўзига совут, дубулға ясаб беришини сўрабди.


— Тинчликми, саркарда, сиз ҳеч қачон совут, дубулға ясатмасдингиз? — деб сўрабди темирчи.

— Ҳар доим дуои жонимни қилиб турадиган онам бор эдилар. Уларнинг дуолари билан жанглардан омон чиқардим, голиб бўлардим. Онахоним яқинда вафот этди. Энди ўзимни ҳимоса қилиш учун совут ясатмоқчиман, — деб жавоб берибди саркарда...

Буларни эшитган жажжи Муслима бувисига эркаланиб деди:

— Энди ҳар кун мени ҳам дуо қилиб кўясиз-а, бувижон?

— Албатта-да, болажоним, сендек ақлли, одобли қизимни дуо қилмай, кимни дуо қиламан, болажоним, — деди бувиси унинг бошини силаб.



ЭНГ ВА ШИРИН АЧЧИК

Ҳаётимизнинг аксарият қисми (муносабатларда) ота-онамиз, турмуш ўртоғимиз билан боғланган. Аммо шу ҳамроҳларимизни билиб-билмай кўп ранжитамиз, у ёки бу ишининг тезроқ битиши учун эса нотанишлар билан муросяю, муомала қиламиз-у, вақти келса ўз жигарларимиздан ширин сўзни аяймиз. Гўёки ҳамма бизни тушуниши, эшитиши керакдек, аламни улاردан оламиз.

Она фарзандини шу қадар яхши кўрадики, меҳри ортиб келганидан унинг кўпол сўзларини ёшликка йўдади, ёки қайнона танбеҳига "бурнини жийирган" келинининг бу қилиғига "ҳа майли, ёшда" деб ўзини юпатади. Ишдан ҳориб қайтган турмуш ўртоғининг чарчаган, асабийлашган ҳолатини кўтаролмаган аёл ишини, қийинчиликларни айтиб "гап қайтаради", жеркийди. Табиатимиздан тилимизга кўчган бу каби салбий иллатларни ҳаётда тез-тез учра-тамиз.

Омина келин ҳикояси:

— Келин ва қайсингиллар муносабати ҳақида халқимиз орасида кизик гап юради: сингил келинга "қайноналик" қилармиш. Буни тўғри ё хато деб бўлмайди. Чунки ота-онасининг хизматидаги келиннинг опасидек кадрлайдиганлар ҳам, беҳурмат қиладиганлар ҳам бор. Қўшимизнинг келини айтиб берган воқеа бунга мисолдир.

"Келин бўлиб келганимдан буён қайсинглим мен билан чиқмайди, — дейди Феруза. —

Тўғри, ёшим улاردан кичкина. Лекин инсонни хурмат қилиш ёш билан эмас, оиладаги ўрни ва ақли билан белгиланади-ку! Уларнинг катта овсинимга хурмати, бошқа қариндошларга ҳам яхши муомаласи мени қувонтиради. Аммо мен билан суҳбатлашса, дарров тўнини тескари қийиб олади. Ишни бирга қилайлик десам, ёки кўмакка киришсам, дарров ўзини олиб қочади. Оиламнинг фарзандимнинг хотиржамлиги учун ҳаммасига чидаялман.

Комиланинг ҳикояси:

— Оиладаги ўзаро муносабатларда фарзандларнинг ота-онасига қилаётган хатти-ҳаракатларини айтмасликнинг иложи йўқ. Бир куни ишхонамизга нотаниш аёл кўнғирок қилди. Унинг овози ҳаяжонли, шу билан бирга нимадандир қаттиқ ранжигани сезиларди. Киска салом-алиқдан сўнг мақсадга кўчди: "Қизим газетангизда ота ризолиги ҳақида мақола чиқди, жуда яхши ёзилган экан. Лекин фарзанд нафақат отани, балки онани ҳам рози қилиши керак. Мана ҳозир синглимнинг уйига кетаялман. Ўғли билан келини урибди, мени чакиртиришяпти. Шу ҳақида ёзсангиз бўладими?.." Аёл кўзига ёш олиб йиғлади, сўзининг давомини айта олмади. Нима бўлганини гапириб беришини сўрадим.

— Синглимнинг эри оламдан ўтган, бор-йўғи мана шу биргина ўғли бор. Келини келгандан буён қайнона билан чиқшмайди. Энди эрини ҳам ўзига огдириб олиб, онасини уришгача олиб борди. Синглимнинг кўнгли бўш, ювош. Ўғлини папалаб ўстирди, ҳеч нарсадан кам қилмади. Мана шу азоблар учун шунча қийналдим,

Ойна

— дея ўзини Нафиса деб таниш-тирган аёлнинг йиғлаган товуши эшитилди. Уларнинг айтишича, бу ҳамма можароларга сабаб келиннинг қайнонани менсимаслиги, маслаҳатлари ва сўзларига нисбатан ёмон гапиришидир. Ундан ташқари, эри билан уйни сотиб, ўзи алоҳида яшаш нияти борлигини айтган.

Бу дунёда қарзимизни уза олмайдиган яқинимиз онамиздир. Уларга қўл кўтариш тугул, тик қараш гуноҳ. Онани урган бола унга қандай муомала қилганини англаш қийин эмас. Чунки ҳамма яхшиликларнинг боши тил бўлгани каби ёмонликлар ҳам аввал мана шу тилдан бошланади.

Аббос, ҳайдовчи:

— Бир танишимнинг оиласини яхши биламан. Уйда жанжал бўлмаган кун йўқ. Ҳар кун дўстим келса, хотини у ёки бу баҳоналар билан низо кўтаради. Хуллас, оғайним уйдан безган. Йигирма йилдан бери шу аҳвол. Бир ўғил, бир қизи бор. Хотинининг аҳволи ўзгармади-ю, аммо оғайним бу муомалага кўникди. Ҳатто шу даражада кўникканки, бир куни менга бир воқеани айтиб берди.

Бундан 10 йилча аввал, дўстим уйига келганида, эшик очган хотини: "Адажониси, чарчамасдан, яхши ишлаб келдизми", дейди. Бундай муомалани кутмаган дўстим ҳайратланади. Ахир, тонгда бўлган жанжалдан кейинги бу ҳолат кизик. Шунда хотинига: "Нима бўлди, Раъно, ўзингми-сан?", дейди. Кейин катта томоша бошланади.

— Ҳа, нима ўзимман, кўрдизми Гулчирай, сизнинг айтганингизни қилиб, балога қолдим. Боринг, овқатингиз тайёр. Бу кишига яхши гапириб бўладими? — дейди дарғазаб хотин.

Шунда оғайним хайрият, деган экан. Бу воқеани айтиб, роса бизни кулдирган. Эрталабки жанжални кўрган қайнукасининг хотини, опасини тўғри йўлга солиш ниятида, эри билан хушмуомалада бўлишини айтган ва ўргатган. Натижа эса кутилгандай бўлмаган. Баъзи эркаклар умри давомида ғурбатга кўникишади. Натижада, соғлигини, тинчлигини йўқотишади. Бунинг энг ёмонини айтмайми, ҳозир ўғли отасини хурмат қилмас экан. Куни кеча ўғлининг отасига дўқ қилиб, бақирганини, қуйиниб гапириб берди. Аёлнинг бадфеъллиги, нуқсони шунга етаклайди.

Тилга энг аччиқ ва энг чучук, дея сифат берилишида ҳам ўзига хос маъно мужассам. Ҳақиқатан шундай, тилни тийишда эса ҳикмат кўп. Тилни тийиш минг турли хижолатдан асрашини, донишмандлар кўп таъкидлашган.

Камола
АБДУМАЛИКОВА.



УЛКАН ТАНГА

Европадаги энг катта олтин танга бу йил ўн биринчи бор ўз "туғилган куни"ни нишонламоқда. Айни кунда ушбу тангани Берлинга олиб келтирилган. Танга "Pro Aurum" деб аталувчи қимматбаҳо металллар дилерининг Берлиндаги штаб-квартирасидан жой олди.

Олтин танга "Биг Фил" деб номланган бўлиб, оғирлиги 31 килограмм атрофида, диаметри эса 37 см. "Биг Фил"нинг олд томонида ҳукмдорлик белгиси ўрнида Вена филармониясининг олтин залда жойлашган шоҳона орган чолғусининг тасвири туширилган, орқа томонида эса муסיкий асбоблар жамланмаси акс эттирилган. Шунингдек, ушбу танганинг 2004 йилда ишлаб чиқарилган санаси ҳамда унинг 100 минг евролик қиймати бўртма ҳарф ва рақамларда зарб этилган. Бирок "Pro Aurum" матбуот котибининг айтишича, танганинг ҳақиқий нархи 1 миллион евродан зиёдрок баҳоланаётган экан.

МИТТИ ОТ

Дунёдаги энг кичкина отнинг лақаби "Дюймовочка" бўлиб, у расман Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган.



Унинг бўйи бор-йўғи 44,5 сантиметр, оғирлиги эса 26 килограмм. Жонивор 2001 йилда АКШнинг Миссури штатидаги Сант Луис шаҳарчасида туғилган. У рекордчи унвонини 2006 йилда қўлга киритган. Дюймовочка Америка бўйлаб сафарлар тадбирида иштирок этади, болалар боғчалари, шифохона ва мактабларга бориб, ишқибозларнинг кўнглини хушлайди. Худди ҳақиқий юлдузлар каби барча зарурий эҳтиёж-буюмларини ўзи билан олиб юради.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси жамоаси кўмитанинг Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари Дилбар Алимжановага падали бузқувқори

МАРУФЖОН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оналарини қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятта келган кўлемлар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВ

Саҳифаловчи — Акбар ШОДИЕВ
Мусахҳиллар — Саидгана САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма
Г — 936. Формати А-3, ҳажми 2 табок. Адади
— 4621. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5